

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOG'-KON SANOATI
VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI

GEOLOGIYA FANLARI
UNIVERSITETI

"MINERAL RESURSLAR INSTITUTI"
DAVLAT MUASSASASI



REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF MINING AND GEOLOGY

UNIVERSITY OF GEOLOGICAL
SCIENCES

INSTITUTE OF MINERAL RESOURCES
STATE ESTABLISHMENT

BUYRUG'I

2024-y. «29» 11

239-н-сон

Toshkent shahri

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024-йил 14-ноябрь 144-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги янги қонуқчилик ҳужжатларни қабул қилиш ва Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг манзили ҳамда алоқа каналлари ўзгарганлиги муносабати билан коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид Минерал ресурслар институтидаги ички меъёрий ҳужжатларни тартибга солиш ва қайта тасдиқлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Директор ўринбосарлари (М.Ш.Ахмедов, Д.Ш.Гальатходжаев), бош бухгалтер (Г.П.Махмудова), бўлим бошлиқлари ва барча ходимларга: Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024-йил 14-ноябрь 144-сонли буйруғи билан тасдиқланган иловалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Институтнинг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлари:
 - Минерал ресурслари институтида (кейинги ўринларда - институт) коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни олдини олиш ва чек қўйиш бўйича устувор йўналишлари белгилаш мақсадида, тегишли Ишчи комиссия таркиби, 1-иловага мувофиқ;
 - институтнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати 2-иловага мувофиқ;
 - институтда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;
 - институтнинг Одоб-ахлоқ Кодекси 4-иловага мувофиқ;
 - институтнинг Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 5-иловага мувофиқ;
 - институтнинг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;
 - институт ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни ташкил қилиш бўйича йўриқнома 7-иловага мувофиқ;
 - институтга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 8-иловага мувофиқ;
 - институтнинг контрагентларни текширишга оид йўриқнома 9-иловага мувофиқ;
 - институтда тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш сиёсати 10-иловага мувофиқ;
 - институтда давлат харидлари устидан назоратни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма 11-иловага мувофиқ;
 - институтда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти 12-иловага мувофиқ;
 - институтнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш

ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламенти 13-иловага мувофиқ;
- институтнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 14-иловага мувофиқ;
- институтнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти 15-иловага мувофиқ;
- институтда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом, 16-иловага мувофиқ;
- институтнинг совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакилик харажатларини амалга ошириш бўйича сиёсати 17-иловага мувофиқ;
- институтнинг хайрия ва хомийлик фаолиятини амалга ошириш сиёсати, 18-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Институтнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий ҳужжатларини тартибга солиш ва қайта тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 12 апрелдаги 27-сонли ҳамда Геология фанлари университетининг 2023 йил 02 майдаги 192-и-сонли буйруқлари билан қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин.

4. **Коррупцияга қарши ички назорат бўйича етакчи мутахассис У.Раупов** - мазкур тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар тўплами талаблари ижросини институт соҳа йўналишлари бўйича масъул ходимлари билан биргаликда амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. **Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Р.Каримов** - мазкур буйруқ билан тасдиқланган ушбу меъёрий ҳужжатлар тўпламини институтнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

6. **Девонхона мудири (М.З.Уралова)** - институт директор ўринбосарлари ва барча тузилма раҳбарлари ушбу буйруқ ва унинг иловалари буйруқ тасдиқлангандан сўнг уч кунлик муддатда таништирилиши таъминласин.

7. Мазкур буйруқ назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024-йил 14-ноябрь 144-сонли буйруғи.

Директор



И.Б.Турамуратов